

МЕЗБОН ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ УЧУН МЕЗОНЛАР

Мезбон (JICA кўнгиллисини қабул қилувчи томон) ташкилот кўнгиллилар хизматларидан фойдаланиш учун муайян режага эга бўлиши зарур. Ушбу режа мезбон ташкилотнинг узоқ муддатли режаларига мос келиб, доимий давом этувчи тадбирлардан ташкил топган бўлиши керак. Мезбон ташкилот кўнгиллилар хизматларини кўп сонли бенефициарлар манфаати учун фойдаланиши зарур. Мезбон томонлар кўнгиллиларнинг 2 йиллик фаолияти учун дастур режаси топширишлари лозим.

Фаолиятни амалга ошириш учун мезбон томон қуйидаги ресурсларни таъминлаши керак бўлади:

- Мезбон ташкилот кўнгиллилар ўз билим ва кўникмалари билан бўлишиши учун етарли ходимларни тайинлашлари ва кўнгиллилар хизмат муддати тугаганидан сўнг ҳам улар орттирган билим ва тажрибаларини иш жараёнида қўллашлари даркор.
- Мезбон ташкилот кўнгиллилар фаолияти учун зарур бўлган техника/асбоб-ускуна ва хомашёларни таъминлаши лозим.

JICA ТОМОНИДАН ҚОПЛАНАДИГАН ХАРАЖАТЛАР

- Кўнгиллиларнинг Япония-Тошкент-Япония йўналиши бўйича авиачипта қиймати.
- Кўнгиллиларга маълум миқдорда маблағ ажратилиб, у кундалик зарур эҳтиёж ва бошқа шахсий харажатларни қоплайди.
- Тиббий ёрдам харажатлари учун маблағ.

КўНГИЛЛИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

Кўнгиллиларни таклиф қилиш тўғрисида аризалар JICAnинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ва унинг уй саҳифасидаги анкеталардан* фойдаланиб, расмийлаштирилади. Мазкур анкеталар мезбон ташкилотдан Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси орқали расман JICAга топширилганидан сўнг, кўнгиллиларни танлаш жараёни бошланади.

Узоқ муддатли кўнгиллилар танлови йилда икки марта, баҳорда (апрель-май) ва кузда (октябрь-ноябрь) эълон қилиниб, қисқа муддатли кўнгиллилар танлови эса йилда тўрт марта амалга оширилади. Кўнгиллилар ҳужжатларни ўрганиш ва суҳбат ўтказиш орқали танлаб олиниб, уларнинг техник кўникмалари, соғлиғи, инсоний кўникмалари ва феъл-атвори баҳоланади.

Кейин кўнгиллилар турли тренинглarda, жумладан, мезбон мамлакатлардаги маҳаллий тилларини ўрганиш курсларида (Ўзбекистон мисолида ўзбек ёки рус тили) қатнашишади. Японияда тил ўрганиш курслари тахминан икки ой давомида (кейин кўнгиллилар мезбон мамлакатларга жўнатилади), шунингдек, бир ой давомида Тошкентда кўнгиллиларни мезбон ташкилотларга жўнатгунга қадар давом этади. **Одатда мезбон ташкилот кўнгиллилар хизматларини сўраб мурожаат қилганидан то уларни мезбон мамлакатга жўнатилгунча тахминан бир йил вақт талаб қилинади.** Кўнгиллилар одатда уч марта январь, июль, октябрь ойларида жўнатилади.

*Инглиз тилида:
https://www.jica.go.jp/uzbekistan/english/activities/c8h0vm0000box0em-att/activity07_01.doc

Рус тилида:
https://www.jica.go.jp/uzbekistan/english/activities/c8h0vm0000box0em-att/activity07_02.doc

Агар кўнгиллилар дастури сизда қизиқиш уйғотган бўлса, бизга мурожаат қилишдан тортинманг!



Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлигининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Ўзбекистон, Тошкент, 100084,
Амир Темура кўчаси, 107-Б
Халқаро Бизнес Маркази, 5-қават

Тел: (998 71) 238 59 16 /17/18/19,
120 79 66 /67

Телеграм: (998 90) 993 22 62
Факс: (998 71) 120 79 68

E-mail: jicauz-volunteer@jica.go.jp

<https://www.jica.go.jp/uzbekistan/english/activities/activity07.html>



КўНГИЛЛИЛАР ДАСТУРИ JICA ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЯПОН КЎНГИЛЛИЛАРИ (JOCV) ДАСТУРИ

Кўнгиллилар дастури - Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг фуқаролар иштирокидаги ҳамкорлик соҳасида олиб бориладиган дастурларидан бири бўлиб, **JOCV** дастури Ўзбекистонда 2000 йилдан буён амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу дастурга ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида ҳамкорлик қилишни хоҳлаган 20-39 ёшдаги шахслар жалб қилинади. Ҳамкорлик соҳалари тахминан 190 та касбни қамраб олиб, уларнинг ичига қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт ва ҳ.к. киради. 2017 йилнинг июль ойи ҳолатига кўра 69 та мамлакатда 1971



Физиотерапия йўналиши



Волейбол

нафар кўнгиллилар фаолият юритмоқда. Дастур 1965 йилда ўз ишини бошлаганидан буён 42 997 киши 88 та мамлакатга кўнгилли сифатида жўнатирилган.

ИККИ ТУРДАГИ JOCV ДАСТУРЛАРИ МАВЖУД:

Узоқ муддатли. Одатда узоқ муддатли **JOCV** кўнгиллилари ривожланаётган мамлакатда икки йиллик шартнома асосида фаолият юритишади.

Қисқа муддатли. Қисқа муддатли **JOCV** кўнгиллилари эса бир ойдан ўн ойгача (бир йилдан камроқ) муддатга жўнатилиб, маҳаллий аҳоли билан ишлаб, фаол ҳамкорлик олиб боришади.



Айкидо

КАТТА КЎНГИЛЛИЛАР (SV) ДАСТУРИ

Ўзбекистонда Катта кўнгиллилар дастури 2001 йилдан бошлаб амалга оширилиб келинмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда ҳамкорлик фаолиятида иштирок этиш истагидаги 40 ёшдан 69 ёшгача бўлган мутахассислар ушбу дастурга жалб қилиниб, улар ўзларининг бой тажрибаси ҳамда кўп йиллик билим ва кўникмалари билан ўртоқлашишади.

Улар ҳам JOCV дастури каби турли ҳамкорлик соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт ва бошқа соҳаларда фаолият юритишади. Ушбу дастур 1990 йилда ҳамкорлик соҳасида Катта экспертлар дастури сифатида бошланган бўлиб, 1996 йилдан бошлаб Катта кўнгиллилар дастури деб юритила бошланди.

2017 йилнинг июль ойи ҳолатига 59 та мамлакатда 352 нафар катта кўнгиллилар фаолият кўрсатмоқда, дастур ташкил қилинганидан буён 6 185 нафар мутахассис 75 та мамлакатга кўнгилли сифатида юборилган.

ИККИ ТУРДАГИ SV ДАСТУРЛАРИ МАВЖУД:

Узоқ муддатли. Одатда узоқ муддатли катта кўнгиллилар ривожланаётган мамлакатда икки йиллик шартнома асосида фаолият юритишади.

Қисқа муддатли. Қисқа муддатли катта кўнгиллилар бир ойдан ўн ойгача (бир йилдан камроқ) муддатга жўнатилиб, маҳаллий аҳоли билан яшаб, ишлашади ва ҳамкорлик фаолиятида қатнашишади.



Маркетинг йўналиши

JICA КЎНГИЛЛИЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШ УЧУН КИМ АРИЗА БЕРИШИ МУМКИН

Ривожланаётган давлатларидаги давлат муассасалари ва рўйхатга олинган нодавлат ташкилотлар.